

(УЗТАГ)



ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР ОХЛАСИДА

ҚЎЛНИ-ҚЎЛГА БЕРИБ

[Боши биринчи бетда.]

Уруш етказган жароҳатларни тўзатиш учун, лоқал урушдан аввалги даражага етиб олиш учун неча ўн йиллар керак бўлгандак туюлган эди. Эстония янги елчи давлат бўлиб яшаганида, қардош совет халқлари мададига таянганда, улардан бегарза ёрдам олмаганида, ҳақиқатан ҳам шундай бўлар эди. У муқаррар равишда ёрдам сўраб капиталистик давлатларга мурожаат қилишга мажбур бўлар ва буржуа Эстония каби капиталистик давлатларнинг иқтисодий ва сийсий қопқонига илинган бўлар эди.

Лекин Совет Эстонияси бундай ҳаф остида қолмади. Улуғ Ватан уруши йилларидаги оғир синовлар, биргаликда олиб борилган кураш, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг доно раҳбарлиги совет халқларининг ленинча дўстлигини янада кўпроқ чиқарди. Урушдан кейинги оғир йилларда бу дўстлик ҳар қачонгидан ҳам аққол намоён бўлди. Тула бўлмаган маълумотларга қараганда, 1945 йилдан 1948 йилгача Эстонияга қардош иттифокдош республикалардан 2,6 миллиард сўмлик саноат ускуналари, хом ашё, материаллар, халқ истеъмоли моллари юборилди. Хўжаликни йўлга қўйишда Москва ва Ленинград олимлари, Донбасс ва Кузбасс мутахассислари, мамлакат корхоналари ва қўриқларининг новаторлари республикага катта ёрдам бердилар. Қардош республикаларнинг қўриқлари, ишчилар ва инженерларнинг ихлосбахш меҳнати, партия ташкилотларининг тинимсиз иши эса самарасини берди: 1946 йилнинг ўзидеки Эстония ССРда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш урушдан аввалги даражасидан 21 процент ўзиб кетди.

Социалистик қурилишнинг бошланғич даврида Эстония қардош республикаларнинг саясийлик билан берган ёрдамига мурожаат қилиб қайтаролмас эди. Лекин кейинчалик, ана шу ёрдам туфайли ўз иқтисодининг ривожланиши борган, Эстония ўзининг ички эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, саноат маҳсулотини тобора кўп миқдорда бошқа республикаларга ҳам юбора бошди. Ҳозирги вақтда қардош республикалар Эстония ССРдан электр техника ва электрон приборлар, радиоаппаратлари, қорғоз, целлюлоза, меҳмон, минерал ўғитлар, ёнгил саноат, озиқ-овқат саноати, гўшт-сут ва баллақ саноати маҳсулотларини олиб туришибди. Мамлакатнинг ишлаб чиқариш энергетика системасида Эстонияда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси муҳим роль ўйнамоқда. Қардош республикалардан ўз навбатида бизга турли станоклар, турбиналар, баллақ овлалар, комбайнлар, тракторлар, халқ истеъмоли қўлдан турмуш моллари, чўчинчи, қанд-шакар, ўсимлик ёғи, турғун, туз, чой, тамак, кўп миқдорда дон етказиб бермоқдалар.

Машинасозлик, электр энергетика, сланец саноати Эстония ССР саноатида етакчи ўрин олиб турибди. «Вольта» маркали электр дигиталлари, Таллин машинасозлик заводининг нефть аппаратуралари, «Ильмарин» энергетика ускуналари, Таллин экскаватор заводининг кўп чўчинчи экскаваторлари, Таллин ва Тарту корхоналарининг кўпдан-кўп турли приборлари мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам мажбур. СССРнинг чет эл билан ташқи савдо муносабатларини ривожлантиришга республикамиз қўйётган ҳисса йил сайин кўпаймоқда.

Ҳозирги беш йиллик охирига бориб республикада сланец истеъмол қилиш 6-7 миллион тонна миқдоридан ортади, сланецни қазиб олиш эса йилга ҳам 29 миллион тоннага етказилади. Бунинг учун ишга тушириладиган янги шахталар ва разрезларда сланец қазиб олиш тўла-ўқис механизациялаштирилди. Ҳозирнинг ўзидеки мураккаб техника комбайнлар, пармалаш машиналари, станоклар, экскаваторлар, электросулар, Урал ва Украина корхоналаридан келтирилди, эстон қончилари ихтирога бериб қўйилган.

Мамлакатимиздаги ҳамма халқлар сингари Совет Эстониясининг меҳнаткашлари ҳам КПСС XXIV съезди белгилаб берган режалар асосида ишлаб чиқилган янги беш йиллик ланини заъшав билан қўлиб олдилар. Москваликлар ва ленинградликлар ташаббуси билан беш йиллик топириқларнинг мундариғидан олдин бажариш учун бошланган мусобақа чинкам умумхалқ қаракатида айланди ва ажойиб самаралар бермоқда. Республика саноати тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йили ланини 24 декабрда ёки мажбуриятда белгиланган мундатдан бир кун аввал бажарди.

ди. Бутун маҳсулотни қўпайтиришнинг 97 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди.

Юбилей йилининг ҳар бир куни янги-янги зафарлар билан ўтмоқда. Совет кишилари буюк байрам — СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб қўлиб олиш учун зўр гайрат билан меҳнат қилмоқдалар, беш йилликнинг иккинчи йили ланини муваффақиятли бажариш учун ҳаракат қилмоқдалар. Биринчи йили биллик якунлар ана шу куч-гайратларнинг самарадор бўлиб чиқатганлигидан, юбилей шарафига олиган мажбуриятлар муваффақиятли бажариладиган далолат берди.

Беш йилликнинг энг асосий вазифасини — ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фан-техникани тараққий эттириш ва меҳнат унумдорлигини жадал ўстириш асосида халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини анча ошириши таъминлашга республика меҳнаткашлари тобора салмоқли ҳисса қўймоқдалар.

Эстония қолқоз ва совхозларининг далаларида яхши ҳосил олинатганлиги кишини қувонтиради. Утган йили гектар бошига 26,8 центнер дон, 182 центнер картошка ҳосили олинди, чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш давлат топириқлари мунтазам равишда ошириб бажарилимоқда.

Саноат соҳасида бўлган каби Ленинград ва Псков областларининг, Белоруссия ва Украинанинг галлакорлари, чорвадорлари ва механизаторлари тажриба ўрганиш учун қолқозларимизга келиб туришибди. Эстония қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам қардош республикалар қолқоз ва совхозлари новаторларининг ажойиб тажрибасидан кўп санин баҳраманд бўлиб туришибди. Тажрибани ўзаро баҳам қўриш, энг муҳим ишларни биргаликда ҳал қилишга интилиш, бир-бирига кўпроқ ёрдам бериш туфайли энг яхши натижаларга эришилмоқда. Бу гап экономикага ҳам, маданиятга ҳам, фанга ҳам таллуқлидир.

Совет ҳокимияти маданиятнинг ҳамма ютуқларини тарихда биринчи марта халқ мулкига айлантирди. Социалистик тузум шариғида маданиятнинг оммавийлиги унинг энг асосий хусусияти бўлиб қолди. Халқ маълумотининг ўсишида бу нарс айниса аққол намоён бўймоқда. Эстония олий мактаблари тобора кўп мутахассис етиштириб бермоқда. 1968 йилдаёқ республикада урушдан аввалги даврга қараганда олий маълумотли мутахассислар 8,4 баравар, ўрта махсус маълумотли мутахассислар 6,2 баравар кўпайган эди.

Эстония олимларининг самарали фаолияти мамлакатимизда яхши тақдирланди. Республика илмий муассасаларида 100 дан ортқ фан доктори ва 1,5 мингга яқин фан кандидати ишлаб турибди. Эстония бадиий адабиети рус тилига ва СССР халқларининг бошқа тилларига қилинган таржималар туфайли мамлакатининг ҳамма республикаларидан танилди. Эстония ёзувчиларининг қўлига асарлари совет адабиётининг олтин фондига кирди. Республикада музика, театр ва тасвирий санъат мислиси равақ топди.

Кўп миллатли совет халқининг буюк байрами — СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги яқинлашиб келмоқда. Мамлакатимиздаги барча халқлар орттирилган ҳаво тажрибасини байрам араларида яқинлаб, халқларни Совет Социалистик Республикалари Иттифоқида бириктириш бўлиб ажойиб самаралар берганлигини, бу иттифок келажакда қандай қувватли истибқоллар очиб бераётганлигини равшан қўймоқдалар. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини мустақамлашдан иборат ленинча йўлни изчиллик билан ўтказмоқда, ҳамма халқларнинг экономикаси ва маданиятини, берча иттифокдош республикаларни ривожлантириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқда, берча социалистик миллатларни янада равақ топтиришга ва уларни аста-секин яқинлаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Тенг ҳуқуқли республикалар орасидати Эстония ССР эзгу мақсад — коммунизм сари Совет Иттифоқидати ҳамма халқлар билан бир сафда туриб, қўли-қўлга бериб бермоқда. Ҳар биримиз — ишчи ҳам, молхози ҳам, олим ва санъаткор ҳам КПСС XXIV съезди қороларини бажаришдан иборат умумхалқ ишга кўпроқ ҳисса қўлишга интиломоқда. Беш йиллик бажариш учун курашда Лениннинг: доимо олга боришга, ҳамма кўпроқ муваффақиятларга эриша беришга, деган доно сўзлари ҳаммамизга ихлос бермоқда (ТАСС).



ТАЛЛИНДАГИ «Пунане рэт» заводининг коллективи СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги юбилей шарафига меҳнат ваҳтасида туриб ишлаб, меҳнатда янгида-янги ютуқларни қўлга киритмоқда. Бу завод томонидан ишлаб чиқарилаётган «Эстония-стерео» радиолари аҳли томонидан севиб сотиб олинади. Корхона ишчилари бу йил ана шундай радиолардан пилдан ташқари яна мингта ишлаб чиқариш мажбуриятини олиб ишлашмоқда. Суратда: «Эстония-стерео» радиолари конвейерида.

Ю. Белинский ва П. Кузнецов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

САЛОМАТЛИК ДОРИСИ

Таллин химия-фармацевтика заводи янги «Гумизоль» дорисининг дастлабги туркуминини Совет Иттифоқидати 30 дан ортқ жойга юборди.

Эстония ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги экспериментал ва клиник медицина институти директорининг ўринбосари, медицина фанлари кандидати Хуберт Кахка бундай дейди:

«Гумизоль Эстониядаги Халқсуду курортининг денгиз бағинидан ажратиб олинган биологик актив моддадир. Шу дойдан 25—30 марта инъекция қилиш бағин курортларида бир кўре даволаш билан бағинар таъсир қўратади. Гумизоль бир неча йиллар мобайнида Эстония, шунингдек Москва, Одесса клиникаларида синаб қўрилди ва полнотрит, артроз ва радикулит сингари турли касалликларни даволашда қўл келди.

Таллин.

ҚЎШИҚЛАР ДИЁРИ

Эстония қўшиқлар республикаси. Бу республикада 11 минг нафардан кўпроқ қўшиқчи бор [бу ҳисобга болалар кирмайди]. Булар клублар ҳузурида, корхоналарда, қолқозлар ва совхозларда тузилган 260 та хаваскорлик қорларда ҳамма иштирок қилиб қўйлади. Эстония ССР Давлат академик эркаклар хори бизнинг мамлакатимизда эришлардан тузилган бирдан-бир капелла хориридир. Бу хориинг асосини ва раҳбари СССР халқ артисти, Ленин мукофоти лауреати профессор Густав Эрнесаксдир. У — дирижер, композитор, педагог, публицист.

Ҳар ўрта Осиё республикаларида қилган тасвир сафаридан қайтиб келгандин кейин ТАСС мухбири Г. Эрнесакс билан учрашди.

САВОЛ. Эстония ССР давлат академик эркаклар хориининг ўрта Осиё иттифокдош республикаларига қилган гастроллари Совет Социалистик республикалари иттифокини ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган эди. Бу гастролларининг хусусияти нимадан иборат бўлди?

ЖАВОБ. Мамлакат бўлиб индодий сафарга чиққанамизда, ҳар доим биз тингловчиларга ўзинининг халқ қўшқиларини, ҳозирги эстон қолқозларининг асарларини олиб борамиз. Бопеи социалистик Ватанимизнинг халқимизга жойда бу асарлар қизғин кўлиб олинатганлигидан бахтирлик, лекин республикаларини давлат академик эркаклар хори фақат эстон тилидагина эмас, шу билан бирга СССРдаги бошқа кўп халқларнинг тилларида — рус, латин, литва, украин, арман тилларида ва бошқа тилларда ҳам қўйлади.

Бизнинг коллективимиз бир-бири билан болганган ички вазифани — яъни ўз санъати билан қардош совет халқларини таништириш ва янги вақтда уларнинг музика санъати ҳазиналаридан баҳраманд бўлиш вазифасини ўз олдига қўйиб, шу вазифани бажариб келмоқда. Бунга бизнинг ўрта Осиё республикалари бўлиб қилган гастрол мисол бўла олади. Биз эстон қўшиқлари билан бирга рус, украин, грузин, латин, литва қўшиқларини, СССРдаги кўпгина халқларнинг қўшиқларини ҳам олиб бордик.

Ўрта Осиё республикалари бўлиб ўз сафарини келиб ўзларининг янги қўшиқлари билан катташадилар. Мисалан, 1969 йилда Эстонияда шула байрамларининг 100 йиллиги нишонланганда Жданов номидаги Ленинград университетининг аралаш хори, Москва ёшлари ва студентларининг хори, Архангельск хори жамиятининг рус халқ хори, Иркутск, Арманистон, Белоруссия, Эстония, Литва ва бошқа республикаларининг хорилари Эстонияга келишган эди.

САВОЛ. Шу йил июнь ойида мамлакатда биринчи марта хаваскор хориларнинг Бутуниттифок фестивали ўтказилди. Сиз шу фестивал тўғрисида гапириб берсангизми?

ЖАВОБ. Мана шундай биринчи фестивал Таллинда ўтказилганлигини

нинг ўзи тасодифий эмас. Бизнинг республикамизда ҳар қилгрма ишдада бир хорида катнашди. Биз болаларини ёшлик чоғиданоқ, мактабда ўқий бошлашдананоқ қўшиқни совадиган қилиб тарбиялаймиз. Ҳозирги вақтда мактабларда турт юзтадан кўпроқ хори ишлаб турибди, бу хориларда 21 минг бола шугулланмоқда. Музикавий тарбия негизлари мана шу тарзда шугулда келтирилади. Хилма-хил қўшиқларини эшита бериб, эстонларнинг қўлини, пиқини, Ленин фестивалининг зами бошқам... Репертуарининг хилма-хиллигини, микрофонлик маҳоратининг рағ-баранглигини, қандадан-қанда ажойиб ўрашулар ва қизғин тортишулар бўлганлигини ейтилайсизми!

Бу фестивал жуда кўп талантли коллективларнинг қизғин мусобақасига айланди. Фестивалда Москва, Ленинграддан, РСФСР ёшларидан, Украина, Белоруссия, Литва, Молдавия, Кавказ ва ўрта Осиё республикаларидан, шунингдек Польша, Венгрия, Руминия, Болгария, Чехославкия, Германия Демократик Республикаси, Финляндиядан келган 26 та энг яхши хори коллективлари катнашди.

Шунинг қатъий қилиб айтиш мумкин, бу мусобақода энгилгайлар бўлмади. Асосий голуб эса уқуман совет хори санъати бўлиб чиқди. Энг муҳим шунки, қардош совет республикаларидан ва социалистик мамлакатлардан келган коллективларнинг репертурига қизқиш жуда катта бўлди, уларнинг санъати ҳамманинг қийин қолқорди ва қолганини ҳурматга сазовор бўлди.

Ҳаваскор хориларнинг Таллинда ўтказилган биринчи Бутуниттифок фестивали КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига таъйиғарлик тўғрисидаги қарорига совет маданияти ҳодимларининг биринчи амалий жавоби бўлди.

(ТАСС).

ҲОСИЛ КЎПАЯДИ

«Эстельхотехника» бирлашмасининг механизаторлари Эстониядаги ҳамма ҳайдаладиган ерларни тошдан тозалашга киришдилар. Сўнгги ўн йил мобайнида олти миллион куб метрдан энг тош йиғиб олинди. Шунга қарамай ҳали далаларнинг яна 40 процентидан гектар бошига 30 куб метрдан тош ётибди.

Вилланди районининг қишлоқ усталари тош терувчи машиналарга ўрнатиладиган серуном мослама исдиладар (бу ернинг далалари айниқса сертошдир). Шу мослама билан далаларни ҳатто вази беш тоннагача ва илдан ҳам кўпга борадиган тошлардан тозалаш мумкин.

Шу районда бўлиб ўтган биринчи республика семинари қат

нашчилари вильяндалилар ишлаб чиққан механизацияланган тош териш технологиясини ўргандилар. Шу технологияни бугун Эстонияда қўланишга қарор қилинди.

Шу йил республика далаларидан қандай миллион куб метр тош териб олиш мўлжалланади. Қўрилатган тош қанча пуналарида шу тошлардан йўл қуриш учун шараф тайёрлана бошлади.

Далани шу тахлитда тозалаш харақатлари бир-икки йилда қопланади. Шу тадбир туфайли техниканинг эскириши қариб ярим баравар камади, ерлар эса анча мўл ҳосил бера бошлайди.

(ТАСС мухбири).

Вильянди, Эстония ССР.



ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР...

● Совет Эстонияси қардош халқлар оиласида тобора камол топмоқда. Республика ўзининг 32 йиллик ҳаётида деярли асрга тенг йўлни босиб ўтди. Ҳозир қиринчи йилдаги нисбатан деярли 30 баравар кўп саноат моллари юборилди, турмуш буюмлар ишлаб чиқариломоқда.

● Улуғ Ватан уруши йилларида эстон халқи ҳам беийс матонат кўрсатди. Эстон ўғил-қизлари гитлерчиларга қарши олиб борилган курашда ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатдилар. 13 юш Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди, мингларча эстонликлар Ватанимизнинг жанговар орден ва медаллари билан тақдирландилар.

● Урушдан кейинги йилларда саноат ва иқтисодиётни қонлатириш учун қизғин меҳнат бошланди. 1945 йилдан 1948 йилгача Эстонияга қардош иттифокдош республикалардан 2,6 миллиард сўмлик саноат ускуналари, хом ашё, материаллар, халқ истеъмоли моллари юборилди. Айниқса эстон туғиначилиги саноати учун Ўзбекистон «оқ олтин»ининг юбориладиган миқдори анча кўпайди.

● Эстония ССРда 1946 йилнинг ўзидеки саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг урушдан аввалги даражасидан 21 процент ўзиб кетилди.

● Машинасозлик, электр энергетика, сланец саноати Эстония ССР саноатида етакчи ўрин эгаллайди. Турли хил дигиталлар, нефть аппаратуралари, энергетика ускуналари, экскаваторлар, турли-туман приборлар ва бошқа асбоб-ускуналар, қардош республикаларга ҳамда чет элларга юборилиб турилибди.

● Янги беш йиллик охирига бориб, республикада сланец истеъмол қилиш 6—7 миллион тонна миқдоридан ортади. Бу маҳсулотни қазиб олиш эса йилга 29 миллион тоннага етказилади.

● Эстония қишлоқ хўжалиги меҳнатнамалари ўтган йили гектар бошига 26,8 центнер дон, 182 центнер картошка ҳосили йиғиштириб олдилар, чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш мунтазам равишда бажарилиб келинмоқда.

● Республикада илм-фан мислиси юксалди. Эстониянинг илмий муассасаларида 100 дан ортқ фан доктори ва 1,5 мингга яқин фан наидати ишлаб турибди.

● Эстония олий мактаблари халқ хўжалиги учун тобора кўлаб мутахассислар етиштириб чиқармоқда. 1948 йилдаёқ республикада урушдан аввалги даврга қараганда олий маълумотли мутахассислар 8,4 баравар, ўрта махсус маълумотли мутахассислар 6,2 баравар кўпайди.

РЕСПУБЛИКАНИНГ Ракверес районидати «Пидрангу» совхозида ташкил этилган паррандачилик фабрикаси Эстонияда энг йирик паррандачилик корхонаси ҳисобланади. Фабрика шу йилнинг ўзида давлатга 43 миллион дон тухум сотишни мўлжаллаган. Бу эса ўтган йилдагидан 1 миллион донга кўпдир. Бундан ташқари фабрика республика аҳолисига 5200 центнер парранда гўшти етказиб беради. Суратда: илгор парранда-боқарлар П. Абнер (ўнгда) ва С. Килламаалар тухумларни хилламоқдалар.

П. Кузнецов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

КАШКАДАРЁ
КУВОНЧЛАРИ

А. ЮСУПОВ

Омизда абадий сақланади.

